Куч — адолатда

# Адолат

Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий газета

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
2003 ЙИЛ 30 МАЙ
№ 20 (411)
ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда эркин нархда

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИНИНГ МОСКВА САММИТИ



***МОСКВА. 29 май. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади). Бугун мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзинтао билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларига доир масалалар муҳокама қилинди.***

Томонлар Ўзбекистон ва Хитойнинг халқаро ташкилотлар, жумладан, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги ҳамкорлиги ҳамда ўзларини қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикрлашди.

Кремлда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг учрашуви бўлди. Учрашув қатнашчилари ташкилотнинг олдинги саммитларида белгиланган вазифалар ижросини муҳокама этди. Бу борада талай хайрли ва фойдали ишлар амалга оширилгани таъкидланди.

Ўтган вақт мобайнида ШҲТни шакллантиришнинг ташкилий ишлари якуний босқичга келди. Ташкилотнинг органлари, жумладан, доимий ишловчи котибият (Пекин) ва минтақавий аксилтеррор тузилмаси (Бишкек) фаолияти қонун-қоидаларини белгилаб берадиган ҳужжатлар тайёрланди.

Ташкилотнинг ижрочи котиби лавозимига Хитойнинг Россиядаги элчиси Чжан Дэгуан тасдиқланди.

Расмий делегациялар иштирокидаги музокараларда ШҲТни ривожлантириш, савдо-иқтисодий алоқалар, коммуникацияга оид ва кўплаб бошқа масалалар муҳокама этилди. ШҲТнинг барча механизмларини имкон қадар тез ишга солиш лозимлиги таъкидланди.

Музокара якунида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг Декларацияси қабул қилинди. Президентлар муҳокама этилган масалалар бўйича эришилган келишувлар ўз аксини топган қатор қарорларга, ШҲТ бюджетини шакллантириш ва ижросини таъминлаш тўғрисидаги битимга имзо чекди.

ШҲТнинг галдаги саммити Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳрида ўтадиган бўлди.

Шу билан ШҲТнинг Москва саммити ниҳоясига етди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов МДҲга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг норасмий учрашуви ҳамда Санкт-Петербург шаҳрининг 300 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тантаналарда иштирок этиш учун Санкт-Петербургга жўнаб кетди.

**Суратда: саммитдан лавҳа.**

## ЁШ ОЛИМЛАР НИГОҲИДА

***Ўзбекистон ёш олимлар миллий жамияти ташкил топган кундан буён мамлакатимиздаги ёш илмий тадқиқотчилар, аспирантлар, докторантларнинг ижодий илмий изланишларига ҳар томонлама ёрдам бериш, уларнинг илмий салоҳиятларини янада кўпроқ юзага чиқариш учун барча амалий ва назарий тадбирларни олиб боришга алоҳида эътибор берилмоқда.***

Хусусан, жамиятнинг бошқарув кенгаши аъзолари томонидан ёш олимлар учун бир қанча илмий-амалий семинарлар ташкил этилди, Америка Давлат Департаментига қарашли IREX, халқаро Очиқ Жамият Институти Кўмак жамғармаси Ўзбекистон ташкилоти Марказий Осиёни ўрганиш Француз Институти (IFEAC) ташкилоти билан ҳамкорликда турли мавзуларда семинар тренинглар ўтказилди. 2000 йилдан бошлаб халқаро Очиқ Жамият Институти Кўмак жамғармаси—Ўзбекистон ташкилотидан ёш олимларни компьютер ва интернет тармоғида ишлашга ўргатиш йўналишида ғолиб чиққан гранти асосида 430 дан ортиқ табиий ва гуманитар фанлар йўналишида ижод қилаётган ёш илмий тадқиқотчилар маълум муддатдаги ўқув курсларини ўтаб, АҚШ Давлат Департаменти IREX ташкилоти ва Ўзбекистон ёш олимлар миллий жамиятининг ҳамкорликдаги сертификатига эга бўлдилар.

Мазкур жамиятда навқирон олимлар бир неча илмий йўналиш бўйича катта илмий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар асосидаги грантларда иштирок этмоқдалар. Жумладан, бунга мисол қилиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги фан ва техника тараққиётини мувофиқлаштирувчи Кенгаш ҳузуридаги Фан ва технологиялар Марказига Ўзбекистон ёш олимлар миллий жамияти томонидан таклиф этилган ва 2003-2006 йилларнинг Давлат илмий техник дастури доирасидан ўрин олган "Миллий истиқлол ғоясини амалиётга татбиқ этишда Фарғона водийси мисолида маданият, маънавият, анъаналар ва менталитет асосида демократик тамойиллар такомиллашувининг миллий хусусиятларини ўрганиш", "Ўзбеклар ва Марказий Осиёда этноинтеграцион жараёнлар" илмий тадқиқот лойиҳаларини келтириш мумкин.

Маълумки, Фарғона водийси гўзал манзараси, ўзига хос урф-одатлари, миллий-маданий анъаналари, такрорланмас санъати билан сайёҳу, тадқиқотчилар диққатини тортиб келган.

Марказий Осиёнинг маданий-тарихий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим рол ўйнаган бу ҳудудда ҳамма даврларда ҳам турли хил босқинчилик урушлари ва ўзгаришларга қарамай урф-одатлар, оила никоҳ муносабатлари, маҳаллий-миллий жабҳаларда ўз тамойилларини сақлаб қолган. Фарғона водийси яна шуниси билан диққатга моликки, унинг ҳудуди Қирғизистоннинг Ўш ва Тожикистоннинг Хўжанд вилоятлари билан боғланган. Марказий осиё ҳудуди аҳолисининг қарийб 35-40 фоиз аҳолиси айнан Фарғона водийсида истиқомат қилишини инобатга оладиган бўлсак, ушбу ҳудуддаги ижтимоий-маданий жараёнларни тадрижий ўрганиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ёш олимлар миллий жамияти илмий гуруҳи тарих фанлари доктори Э.Каримов раҳбарлигида мазкур лойиҳа асосида ҳудуднинг маданий хусусиятларини этносоциологик нуқтаи-назардан яна бир бора ўрганиб чиқиш учун илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни ҳудуд аҳолисининг турмуш тарзида акс этишини ўрганишга хизмат қилади.

**Шаҳноза ГАЮПОВА,**
**Фалсафа фанлари номзоди.**

*Партия ҳаёти*

## СУСТКАШЛИК ЭМАС, ФАОЛЛИК ЗАРУР

**Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари пленумида бу ҳаётий талаб бежиз жаранглагани йўқ**



Аввало шуни таъкидлаш жоиз: бугун ҳаётнинг ўзи сиёсий партияларни янада фаоллаштиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши томонидан партия сафларини мустаҳкамлаш, фаолликни ошириш, ишчанликни кучайтириш учун доимий равишда зарур амалий чоралар кўриб келинмоқда. Бироқ шундай катта ишлар қилинаётганига қарамай айрим вилоят партия ташкилотларида ҳамон сусткашликка йўл қўйилмоқда. Айниқса Сурхондарё вилоят партия Кенгашининг шу муҳим жабҳаларда ишни ўз ҳолига ташлаб қўйганлиги билан муроса қилиб бўлмайди. Шу боисдан ҳам яқинда Термизда вилоят партия Кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди. Уни вилоят партия Кенгашининг иккинчи котиби Абдураҳмон Тошболтаев бошқарди.

Пленумда вилоят партия Кенгашининг навбатдаги вазифалари билан биргаликда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилиб, Кенгашнинг янги таркиби сайланди.

Пленумда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши котиби Равшан Ҳайдаров қисқача маъруза қилиб, "Адолат" партиясининг айни пайтда олиб бораётган ишларига йиғилганларнинг эътиборини қаратди. Уларга партия ҳаёти ва фаолияти юзасидан кенг тушунтиришлар берди. Ўз навбатида вилоят партия Кенгашининг олдида турган асосий вазифалар хусусида ҳам тўхталди. Вилоят партия Кенгашининг ишини кучайтириш, фаолликни ошириш учун нималарга эътибор қаратиш ҳақида тавсиялар берди.

Музокаралар чоғида сўзга чиққанлар унинг маърузасини қўллаб-қувватлаб, ҳақиқатдан ҳам кейинги бир йил ичида вилоят партия Кенгашининг иши анча бўшаштириб юборилганлигини қайд этдилар. Вилоят партия ташкилоти фаолиятида жиддий ўзгаришларга эришиш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар. Бу ишни вилоят партия Кенгашининг янги сайланадиган таркиби муваффақиятли ҳал этишига умид билдиришди.

Пленумда партия Кенгашининг фаолиятига доир қатор масалалар кўриб чиқилди. Кенгашнинг янги таркиби сайланди. Сурхондарё вилоят электр тармоқлари шўъба корхонаси директори Файзулло Сафаров вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди. Термиз Давлат университети "Анорганик ва аналитик кимё" кафедраси мудири, кимё фанлари доктори, профессор Хайит Тўраев эса вилоят партия Кенгашининг котиби этиб сайланди. Шунингдек, навбатдан ташқари пленумда партия Кенгашининг тафтиш комиссияси ва вилоят партия Кенгашининг янги аъзолари сайландилар.

Пленумда Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Қувондиқ Маматов иштирок этди ва сўзга чиқди.

**Рустам ДОСТОН,**
**"Адолат" мухбири.**
**Суратда: пленум қатнашчиларидан бир гуруҳи.**

*Танишинг:*

## ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ КОТИБИ

**САФАРОВ**
**Файзулло Нуруллаевич**



Сафаров Файзулло Нуруллаевич 1960 йилда Сурхондарё вилоятининг Сариосиё туманида туғилган. Ўзбек. Оилали. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси аъзоси. Олий маълумотли. 1984 йилда Тошкент политехника институтини битирган. Ихтисоси-муҳандис-электрик. Иш фаолиятини 1979 йили Сариосиё туманидаги 3-паррандачилик совхозида бош энергетик вазифасидан бошлаган. 1989-1993 йилларда Сурхондарё вилоят паррандачилик бирлашмасининг бош энергетиги бўлиб ишлаган.1993 йилда Сариосиё тумани электр тармоқлари идорасида катта инспектор, 1998 йилда Сурхондарё вилоят электр тармоқлари шўъба корхонасининг етакчи муҳандиси, 1999 йилда Сариосиё тумани электр тармоқлари идораси бошлиғининг муовини, 2001 йилда вилоят электр тармоқлари шўъба корхонаси директорининг муовини вазифаларида сидқдилдан фаолият кўрсатган. 2003 йилдан буён Сурхондарё вилоят электр тармоқлари шўъба корхонасининг директори.

2003 йил 20 май куни бўлиб ўтган вилоят партия Кенгашининг навбатдан ташқари пленумида Сурхондарё вилоят партия Кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

## ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СДП СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ КОТИБИ

**ТЎРАЕВ**
**Хайит Худойназарович**

Тўраев Хайит Худойназарович 1957 йилда Бойсун туманида туғилган. Ўзбек. Оилали. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси аъзоси.Олий маълумотли.1983 йилда Тошкент политехника институтининг кимё-технология факультетини тамомлаган. Ихтисоси—кимёгар-технолог.

Меҳнат фаолиятини 1974 йилда ўзи туғилиб ўсган тумандаги кутубхонада мудирликдан бошлаган. Ҳарбий хизматдан сўнг институтни битириб, Термиз Давлат педогогика институтининг ёшлар қўмитаси раиси бўлиб ишлаган. Шу институтда ўқитувчи, катта ўқитувчи, кафедра мудири сифатида фаолият кўрсатган. 2000 йилдан буён шу кунга қадар Термиз Давлат университетида "Анорганик ва аналитик кимё" кафедараси мудири вазифасида ишлаб келмоқда. Кимё фанлари доктори, профессор.

Вилоят партия Кенгашининг шу йил 20 майда бўлиб ўтган навбатдан ташқари пленумида Сурхондарё вилоят партия Кенгашининг котиби этиб сайланди.

*Солиқ сиёсати ва фуқаро*

## ҚУЛОЧИНИ ЁЗГАН ЭДИ, ҚАНОТИ ҚАЙРИЛДИ

***Самарқанд вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли иқтисодиётга миллионлаб сўм зарар келтирган ғайриқонуний савдо "операция"си фош этилди. Дастлабки суриштирувлар давомида Сиёб туманидаги "GREEN GLOBE" масъулияти чекланган жамият раҳбари ва бош ҳисобчиси 77 миллион 805 минг сўмлик солиқ ва тўловларни қасддан тўламай келганликлари аниқланди. Масъулияти чекланган жамият билан молиявий муносабатларга киришган қатор банк идоралари ҳамда корхона-ташкилотларда ҳам тафтиш ўтказилганда жиноят кўлами янада кенгроқ тус олганлиги маълум бўлди.***

Атиги икки-уч киши ишлайдиган, чоғроққина дўкончаси бор жамиятнинг қулочини кенг ёзиб юборгани, катта миқдордаги олди-сотдиларни амалга оширганлиги ҳар қандай кишида ҳам шубҳа уйғотмай қўймайди. Қонун доирасидан четга чиқилмаган бўлса-ку солиқчиларнинг қизиқишига ҳожат қолмасди. Аммо "GREEN GLOBE" қисқа вақтда, аниқроғи 2003 йилнинг 14 январидан 11 апрелига қадар 1 миллиард 365 миллион сўмлик товар айланмасини амалга оширган бўлсада бу ҳақдаги маълумотлар ва ҳисоботларни туман давлат солиқ инспекциясига тақдим этмаган, аниқроғи солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаган. Айни шу ҳолат масъулияти чекланган ушбу жамият фаолиятини текшириш учун асос бўлди.

Қаранг-ки, "GREEN GLOBE" мижозларни лақиллатиш, сохта ваъдалар билан ишонтириш эвазига ўз ҳисоб рақамига катта миқдордаги пул маблағларини кўчиртираверган. Бироқ ўз томонидан олинган мажбуриятларни бажаришни пайсалга солиб юрган. Жумладан СТВ телекомпанияси томонидан газета босишда фойдаланиладиган қоғоз сотиб олиш учун 2003 йилнинг январь-февраль ойларидаги тўлов талабномалари билан жами 90 миллион 200 минг сўм маблағ жамият ҳисоб рақамига кўчирилгану товар олинмай қолаверган.

Тафтиш пайтида масъулияти чекланган жамият белгиланган қоидага зид равишда 64 миллион 839 минг сўмлик улгуржи савдо муомаласини амалга оширганлиги ҳам аниқланди. Ҳолбуки Республика Вазирлар Маҳкамасининг 407- сонли Қарорига мувофиқ улгуржи савдо фаолияти фақат ҳуқуқий шахслар томонидан амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилган. Текшириш жараёнида Самарқанд шаҳрида жойлашган "Суғдиёна" банки томонидан Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорига зид равишда банк операциялари ўтказилганлиги аниқланди.

Умуман вилоят прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари зиммадаги вазифани чуқур англаган ҳолда асосий эътиборни иқтисодиётни соғломлаштиришга қаратмоқдалар. Ўтган вақт мобайнида солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ 18 та жиноят иши қўзғатилиб 396 миллион 211 минг сўм қўшимча солиқ ва 272 миллион 873 минг сўмлик молиявий жарималар ҳисобланиб, шунинг каттагина қисмини давлат бюджетига ундиришга муваффақ бўлишган. Худди шунингдек қўзғатилган маъмурий ишлар натижасида 65 миллион 988 минг сўм маблағ бюджетга ундирилиши таъминланган.

Бошқарма ходимлари хуфя иқтисодиётнинг қарор топиши, фаолияти ва унинг ривожланишига кўмаклашувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш борасида ҳам самарали текшириш, назорат ишларини олиб бормоқдалар. Содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича ўз вақтида тегишли чоралар кўрилмоқда.

Пастдарғом тумани Жума шаҳрининг Бибихоним кўчасидаги 27-уйда яшовчи фуқаро Мавжуда Исоқова ўз хонадонида ноқонуний равишда мой жувоз ўрнатиб дориланган уруғлик чигитдан ёғ ишлаб чиқараётганлиги ҳақида маълумот олинди. Текшириш ўтказилганда чиндан ҳам мой жувоз ускунаси ишлатилаётгани, 1316 килограмм чигит омборхонага ғамлаб қўйилгани,25 килограмм пахта ёғи,20 қоп кунжара борлиги аниқланди.

Самарқанд тумани "Дўстлик" жамоа хўжалигининг Хўжасаҳат қишлоғида яшовчи фуқаро Аминжон Ғуломов эса ўз ҳовлисида пишиқ ғишт тайёрлайдиган цехни ишлатаётган экан-у, тегишли солиқ идорасининг рухсатномасини олишни "унутибди". Бир йилдан ортиқроқ вақт мобайнида тадбиркор ҳеч кимга ҳисобот бермай даромадни нуқул чўнтакка уриб юраверган.

Ҳозир юқоридаги ҳар иккала ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилиб суриштирув олиб борилмоқда. Демоқчимизки, яширин иқтисодиёт билан шуғулланиш, қонунларни менсимаслик қимматга тушади.

Вилоятда ноқонуний пул айланмасининг олдини олиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам эътиборга моликдир. Ўтган вақт мобайнида шу соҳада 87 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди. Ёки 691 миллион 299 минг сўм назорат касса машинасидан ўтказилмаган пул маблағлари қўлма-қўл бўлиб юрганлиги, 485 минг сўм нақд пул банкка топширилмаганлиги фактлари бўйича айбдорлар тегишли тартибда жазоланди.

Иқтисодиётни соғломлаштиришда валюта бозорини эркинлаштириш ва бу борадаги ғайриқонуний операцияларнинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Шуни назарда тутган ҳолда бу йўналишда олиб борилаётган тезкор ишлар натижасида 21 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди. Қўзғатилган жиноят ишлари бўйича 5216 АҚШ доллари, 6110 Россия рубли, 4460 минг сўмлик тилла тақинчоқлар, 5743 минг сўмлик қимматбаҳо товарлар ва 2734,4 минг Ўзбекистон сўми далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Кўриниб турибдики, қонунга хилоф тарзда амалга оширилаётган ҳар битта ҳаракат фош этилмай қолмаяпти, жазосини олаяпти. Лекин шу ўринда битта мулоҳазани таъкидлашни истардик. Солиқлардан яшириб қолинган пуллар ҳеч қачон наф келтирмаслигини, иқтисодиётимизга, мамлакат хазинасига зиён етказишини унутмайлик. Қонун билан дўстлашган тадбиркор қинғир йўлни танлаб даромадини яширмайди, хуфя олди-сотдиларга аралашмайди. Тижоратга ҳалоллик обрў ва барака келтиради.

**Зоҳиджон МУХТОРОВ,**
**Самарқанд вилоят прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи.**

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
**"Адолат"нинг ўз мухбири.**

